



05.01.2022 даги

ЎзР МГ Наманган вилоят Қўриқлаш бошқармаси ва Нам. Вил. Хок. молия бошқармаси ўртасида
4114110,00 сўм умумий суммага тузилган 756 - сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб
Шахсий ғазна хисобварак

092
100021860144017011312092008

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)		Жами
	4293000		
Январь	1,371,370.00		1,371,370.00
Февраль	1,371,370.00		1,371,370.00
Март	1,371,370.00		1,371,370.00
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
Жами йил бўйича	4,114,110.00		4,114,110.00

Жами 4114110,00 сўм

Тўрт миллион бир юз ўн тўрт минг бир юз ўн сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан _____ сўм ёки ____ % *** шартноманинг умумий суммасидан
____ % ***20 _____ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига ____ % жорий ойнинг ____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алока хизматлари ва қонун хужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари

М. Ў.



Буюртмачи бош бухгалтери

Бахриддинов Зухриддин Баҳриддин ўғли

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди

(имзо)

«___» 20 ___ й.

Холмирзаев Бахтиёр Дехканович

Ф.И.Ш.

Буюртмачи ходими
қабул қилди

Буюртмачи ходими
қабул қилди

(имзо)

«___» 20 ___ й.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш хизмати
томонидан жисмоний ва юридик шахсларга
кўриқлаш хизматини кўрсатиш бўйича

ШАРТНОМА

Наманган ш.

756 – сон

2022 йил "05" январ

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Наманган вилояти Кўриқлаш бошкармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошқарма бошлиги майор **Х.Э.Абдуллаев** (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) бир томондан, Наманган вилояти Молия бош бошкармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиги **З.Бахриуддинов** (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда "Томонлар" деб юритилади, мазкур Шартномани қўйидагилар ҳакида туздилар:

1-БОБ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ижрочи миллий гвардия қўриқлаш хизмати, ҳарбийлаштирилган ва сокчилик қўриқлаши кўринишида техник қўриқлаш пунктидан (кейинги ўринларда ТКП деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкини қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2-БОБ. УМУМИЙ ШАРТЛАР

2. Буюртмачи Кўриқлаш бошкармаси Алохидга батальон ТКП ходимлари томонидан Наманган шахаридаги жойлашган Наманган вилояти Молия бош бошкармасини қўриқлаш мақсадида (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочига** топширади, **Ижрочи** қабул қиласди.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиши, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиши ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиқсан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичидаги миллий гвардия хизмати қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

7. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармагандаги Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

3-БОБ. ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ

8. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қўйидагича ҳисобланади:

пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати ойига а) пост-соат ҳисобида қўриқлаш хизмати ойига **1371.370** (**Бер нечадеки учун бер нечадеки учун**) сўм, **3** ойига **4.114.110** (**Турт камчилик учун бер нечадеки учун**) сўм;

9. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

10. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 30 кун ичидаги мазкур Шартнома баҳосининг 100 фоизи миқдорида тўловни амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичидаги ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида тўловни ҳар ойда амалга оширади.

11. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

4-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

12. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижроидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;
хизмат кўрсатиш жараённида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижроидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижроидан уларни бартараф этишини талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

13. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 2022 йил "31" декабр даги кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсигидан 15 метр узоклика (объект жойлашувини хисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камидан бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси холатини текшириш қўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижроини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган қўриқлаш режими талабларини бажариш ва техник қўриқлаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, қўриқлаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижроини бундай ишларнинг бошланишидан камидан 30 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунидаги қўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижроини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик ҳақида ТКПни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганинг ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёкилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

қўриқланадиган худудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар қўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пульт рақамларини ошкор қиласлик;

Ижрочи вакилларини объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш.

14. Ижрочининг ҳукуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида қўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

15. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқланадиган худуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадоқланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект худудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктидан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиши сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), курол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни қўриқлашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва қўриқлашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техниковий жиҳатдан мустаҳкамлигини, қўриқлашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясини текшириш қўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини қўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган заар тўғрисида миллий гвардия кўриқлаш хизмати навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, миллий гвардия кўриқлаш хизмати вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлизлигини таъминлаш.

5-БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

16. Мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, аммо кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

17. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

18. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

19. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган заар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан заар етказилганлиги аниқланган ҳолларда заар тўлиқ микдорда қопланади.

20. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг микдорини аниқлаш учун томонлар вакилларидан иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, заар микдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда заар микдори суднинг қарори билан аниқланади.

21. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан заар учинчи шахсларнинг жиной ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний кучга кирган қарори билан тасдиқланади;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка заар етказилганда;
буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан заар етказилганда.

22. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6-БОБ. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

23. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

7-БОБ. ФОРС-МАЖОР

24. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгид бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

25. Енгид бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичida ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичida хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари киради.

26. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгид бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечикирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

8-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

27. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилгандың ағзасынан бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради.

28. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганды ҳамда Буюртмачи ва Ижроининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

29. Шартноманинг амал қилиш муддати қўйидагича белгиланади:

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича - белгиланган тартибда ағзасынан бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

30. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқсан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрои Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

31. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 10-бандида қўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрои мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равища огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

32. Ижрои кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижроини ёзма равища огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 60 кун олдин ёзма равища маълум қиласди.

34. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага қонун хужожатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

9 БОБ. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Ижрои

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси


Наманган вилоят Кўриқлаш бошқармаси
Юридик манзили: Наманган шаҳар, Сирғали
кўча, 20а-үй

Тел: 227-28-43, 227-15-55

Банк маълумотлари: Марказий банк XKKM
Наманган вилоят Баш бошқармаси
Хисоб рақами: 21596000100193328001
МФО: 00021 СТИР: 200046854
ОКОНХ: 97920

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Наманган вилоят Кўриқлаш бошқармаси
бошлиги майор

(имзо, муҳр)



Х.Э.Абдуллаев

Буюртмачи

Наманган вилояти Молия баш бошқармаси

Юридик манзили: Наманган вилояти Молия баш бошқармаси
Банк маълумотлари: Наманган вилояти Молия баш бошқармаси
Х/р: 10002 18601 440170 11312092008
МФО: 00014 СТИР: 200056447
ОКОНХ: 97160

Наманган вилояти Молия баш бошқармаси
Бошлиги



З.Бакрiddинов

Сарифов М.И. 4.11.2022

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Миниатий гвардияси
Наманган вилоят Кўриқлаш бошкармаси
бошлиғи майор


Х.Э.Абдуллаев

" " 2022 йил

З.Бахридинов

2022 йил


Кўриқлаш бўйича хизмати таркибини саклаб туриш учун килинадиган сарф-харажатлар СМЕТАСИ № 756

Т/р	Кўриқка олинган объект номи	Манзили, Телефон раками	Ўриятилган МКТ воситалари	Кўриқлаш тури	Постлар сони	Кўриқлаш вакти (соат)			Ўргача бир ойлик Кўриқлаш соати	Кўриқлаш нархи (сўм)	
						Иш кунлари	Байрам олди кунлари	Дам олиш кунлари			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1	Махсус хона	Наманган шахар	МКТВ	ТКП	1	22-07	22-07	22-07	274	5005	1371370
	Жами :										1371370

Кўрсатиладиган хизмат учун бир ойлик хизмат ҳаки:

1371370 Бир миллион уч юз етмиш бир минг уч юз етмиш сум

Наманган вилоят КБ МИБ
бошлиғи кагта лейтенант


А. Махмудов